



Мовароуннахр, хусусан, Андижон заминидан кўплаб олимлар, шоирлар, халқ ардоқлаган, суйиб эъзозлаган Куръон хофизлари етишиб чиккан. Ана шундай Куръон хофизларидан бири, тугилиб ўсган юртини дунёга танитган бемисл кироат сохиби Муҳаммад Кодир Холмирза  
Андижони  
йдир. У зот  
1912 (х

.  
1330) йили Андижонда т  
аваллуд топ  
ган  
лар

. Ёшлиқларида Афғонистонга кўчиб ўтиб, ўша ерда истикомат қилиб қоладилар.

Кейинчалик Маккаи Муқаррамага сафар қиладилар. У ерда Умра ибодатини бажарганларидан сўнг Мадинаи Мунавварага борадилар.

Бошланғич таълимни Андижондаги устозларидан олганлар. Ундан сўнг Куръони қаримни пухта ёд оладилар, фикх, усул фикх ва турли илмларни ўзлаштирадилар.

Ўша пайтда Мадинаи Мунавварадаги кироат имомлари ҳузурларига бориб, “Шотибийя” матнини муқамал ёд олиб, Шотибий йўналиши бўйича етти хил кироатдан ижоза оладилар.

Илм олиш билан бир каторда одамларга Куръони карим тиловати ва тажвид фанидан таълим берар эдилар. Кироат ва тажвид илмларини Шайх Кароматуллох Махдум ҳамда Шайх Абдулмажид Ободийлар ҳамроҳлигида устозларининг хузурида, тонгдан бошлаб то пешин намозигача “Манзуматуш-Шотибийя” китоби асосида ўрганадилар.

Абдулкодир Андижоний Шайх Кароматуллох Махдум билан Куръон ва кироат бўйича олган илмларини етти йил мобайнида такрорлайдилар. У зот жуда кўплаб устозлардан таълим олганлар.

### **Устозлари:**

1. Шайх Зиёуддин. У зотдан Куръони каримни Хафс Осимдан килган ривояти асосида ёд оладилар;
2. Факих Шайх Низомиддин Яъқубдан фикх, усул фикх илмларини ўрганадилар;
3. Шайх Хабибуллох. Ундан алоҳида турли фанларни ўрганадилар;
4. Шайх Хасан шоир. Ундан “Манзуматуш-Шотибийя фи кироатис-сабъ” китобини таълим олиб, ёдлайдилар. Сўнг унинг маъноларини сўзма-сўз, жуда ҳам диққат-эътибор билан ўрганадилар. Шундан кейин Куръони каримни тўлалигича, етти кироат йўналиши бўйича ўқиб берадилар. Сўнгра “Манзуматуд-дурратул музийя фи кироатис-саласил мутаммима лил-аъшр” китобини пухта ёд олиб, бунинг асосида “Шотибийя” ва “Дурра” йўллари орқали ўн кироатни ўрганадилар;
5. Шайх Бинямин Соъатий Андижоний. Хар йили ёз фаслида Тоиф шаҳрига у кишининг хузурига борардилар. У зотдан хадис илми бўйича сабоқ олиб, “Сахиhi-Бухорий”ни тўлик ўқиб ўрганганлар.

**Ёзган асарлари:**

1. “Рисалатун фит-тавхид”;
2. “Итхафул-фузалои мухтасар манорил худа фи баянил-вакфи вал-ибтида”.

Ана шундай юксак макомларга эришган улуг олим, буюк кори Мадинаи Мунавварада 1995 (х.1416) йили саксон олти ёшда вафот этдилар. Жанозаси Масжидун Набавийда ўқилиб, Бакеъ кабристонига дафн килиндилар.

Аллох таоло Абдулқодир Андижонийдан рози бўлсин!

**Тошкент Ислон институти талабаси**

**Тожиддинов Абдуссомад**